

МЕТАФОРА ҲИССИЁТ ИФОДАЛОВЧИ БИРЛИК СИФАТИДА

[Metaphor as a means of expressing emotions]

Элёр Холмуратов

Самарқанд Давлат чет тиллар институти

Лингвистика(инглиз тили) йўналиши 2-босқич магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада метафора ҳақида маълумотлар, унинг ҳиссиётни ифодалаш воситаси сифатидаги ўрни кенг ёритиб берилди.

Тил пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон доимо чиройли гапиришга, нутқининг равон бўлиши, уни бетакрор қилишга доимо интилиб келган. Стилистик ифода - метафора ҳам шу мақсадда инсон нутқидаги таъсирчан ибора ва сўз бирикмаларидан фойдаланади. Метафора ҳиссиётни ифодалаш воситаси сифатида тилшунос олимлар ҳали унчалик эътибор бермаган жиҳатларни ўз ичига қамраб олади. У гоҳо яққол очиқ мисоллар орқали ҳиссиётни ифодалаб берса, баъзида яширин мисоллар(маъно) кўмагида бунга эришишга ҳаракат қилади.

Калит сўзлар: Метафора, ҳиссиёт, “Совуқ уруш”, “Темир парда”, Уинстон Черчил, кўчма маъно

Метафора стилистик восита бўлиб икки нарсанинг айрим тасодифий белгиларининг ўхшашлигига асосланади. Метафора асосий луғавий –мантиқий ва кўчма – матний маъноларининг ўзаро муносабатига асосланган стилистик усулдир.

Метафорада икки нарса бир-бирига солиштирилар экан уни яна бир стилистик восита ўхшатиш билан адаштирмаслик керак. Ўхшатишда айнан икки нарса бир бирига солиштирилса, метафорада аксинча ўхшаш жиҳатлар кўчма маънода қўлланилади:

Мисол учун динозавр сўзини оладиган бўлсак. “У динозавр каби улкан” гапида ўхшатиш маъносида ишлатилган бўлса, His computer was a dinosaur гапида эса Унинг компьютери жуда ҳам эски, муддатини ўтаб бўлган маъноларини англатади. Биз биламизки, динозаврлар ўз вақтида жуда улкан жонивор ҳисобланган, кейинчалик Ер юзидан қириб кетиб унинг ўрнини бошқалари эгаллаган. Демак динозавр сўзи кўчма маънода бир вақтлар катта нуфузга эга бўлган ва кейинчалик вақт ўтиши билан ўрнини бошқасига бўшатиб берган нарса ҳақида гапирилганда ишлатилади.

Метафоралар ҳиссиётни ҳам ифодалашда ишлатилади. Ҳиссиётлар ҳам турлича бўлиши мумкин: салбий ёки ижобий... Шунга кўра метафоралар хурсандчилик, шодлик, қувонч, қаҳр-ғазаб, кўрқув, уялиш ва ҳоказоларни ифодалаш мумкин. Оддийгина “**темир парда**”-iron curtain метафораси 20-асрда Иккинчи Жаҳон урушидан кейин сиёсий майдонда кенг ишлатилган. “Темир парда”-iron curtain метафораси икки бир бирига қарама қарши қутбнинг салбий муносабатини, яъни кўрқувни ифодалашда кенг ишлатилган.[]. Ушбу метафоранинг янада оммалашishi 1946 йилда У.Черчилнинг Фултондаги маърузасидан сўнг содир бўлган. Айнан ушбу чиқишдан сўнг “совуқ уруш”-“cold war” метафораси ҳам сиёсий лексиконга кириб келган.

“**Совуқ уруш**” (“cold war”) метафораси ҳам то собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгунча бўлган муддатда сиёсий майдонда воқеаларни ОАВ орқали ёритишда кенг ишлатилган. Салбий ҳиссиётларни, жумладан, бир бирига нисбатан ғаразгўйлик, бўҳтон, тухмат тошларини отиш, ишончсизлик, ўзига рақиб деб билган томоннинг юзига қора бўёқ чаплаш, қаҳр-ғазаб каби туйғуларни ифодалаган.

Ҳайвон номлари боғлиқ метафоралар ҳам кўплаб учрайди. Улар гапнинг таъсирчанлигини оширади. От(хайвон) сўзи билан боғлиқ метафораларни оладиган бўлсак улар гапда ишлатилишига кўра маъно ва ҳис-туйғуларни ифодалайди. “**Dark horse**” – кутилмаган рақиб, ютиш имконияти кам дея баҳоланган шахснинг бирор мусобақа ёки жараёнда ғолиб чиқишига нисбатан ишлатилади, ажабланиш, ҳайрат, ҳайрон қолиш каби ҳиссиётни ифодалайди. “Dark horse” метафорасининг келиб чиқиши ҳам от пойгалари билан боғлиқ.

Hold your horses! – Ўзингизни босинг! Секинроқ ва ҳоказо. Ҳиссиётга берилмасликни, жаҳл отига минмаслик кераклигини уқтирувчи метафора. **Trojan horse** -Троя оти ибораси метафора сифатида ҳам ишлатилиши мумкин. У кўпроқ аллюзияга мисол бўлса-да, бехосият совға маъносида ишлатилади. Душман томонидан берилган ҳадяни олмасликни, у олинганида нохушлик содир бўлишидан огоҳлантиради.

I could eat a horse – Отни еб юборишга ҳам тайёрман метафораси инглиз I am very hungry, жуда ҳам очман деган маънони беради. Инсондаги очлик, овқатга ташналик ҳиссини ифодалайди.

Lone wolf- Ёлғиз бўри метафораси бирор кишининг тўдадан ажралиб қолганлиги ва ёлғиз ўзи ҳаракат қилишини англатади. **Lone wolf**-ёлғиз бўри ибораси кишида кўрқув туйғусини ҳам пайдо қилади. Кўпгина ҳолларда “ёлғиз бўри” дея таърифланувчи кишидан эҳтиёт бўлиш кераклигига ҳам ишора қилади. Бўри билан боғлиқ метафора, иборалар турли халқларда турлича талқин

қилинади. Шарқда бўри билан ишлатиладиган метафоралар асосан ижобий-позитив ҳис-туйғуларни пайдо қилади.

- Бўрими, тулки,
- Бўри.
- Ишинг ижобий ҳал бўлганидан хурсандман.

Юқоридаги диалогдан англашиладики, бирор ишнинг ижобий ҳал бўлганлиги, кўзланган мақсадга эришилганликни ифодалаш мақсадида бўри метафорасидан фойдаланиляпти.

Тулки (**fox**) билан боғлиқ метафораларга кўпгина ҳолларда бир ёндашилиб келинади. Тулки метафорасининг асосан айёр, доғули маънолари кўпроқ ишлатилади. Тулки мажозий образ сифатида эртақ ва ривоятларда асосан айёр, пихини ёрган, алдоқчи маъноларида ишлатилиб келинган. Биз бунга кўникиб қолганмиз. Инглиз тилининг Америка (норасмий) вариантыда тулки (**fox**) сўзи аёлларга нисбат беришда қўлланилади. I said to my agent, that is one **foxy** lady. Маъноси: **foxy**- дилтортар, кетворган, чиройли.

Elephant - a white elephant- сўзма сўз таржима қилинганда “оқ фил” дея таржима қилинувчи метафорада ҳам яширин маъно бор. **White elephant** метафораси қимматбаҳо аммо кераксиз, ишлатиб бўлмайдиганг совға маъносида ишлатилган. Ушбу метафоранинг келиб чиқиши қадимги тарихий жараёнлар билан боғлиқ. Ўзингизга маълум Сиам мамлакатларида оқ фил муқаддас жонивор саналган. Филларни ишлатиш мумкин бўлмаган, айнан оқ филдан жанг мақсадларида фойдаланиш эса таъқиқланган. Фил эса анча қиммат турган...

Метафора – образлиликни яратишдаги энг муҳим стилистик воситалардан биридир. Унинг ҳиссиётни ифодаловчи бирлик, восита сифатида ишлатилиши нутқни янада таъсирчанлигини оширади. Образлиликни яратишда тақрор йўл қўйишдан муаллифни асрайди. Ўзига хослик сари йўл очиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Дейнан Э. Метафоры: Справочник по английскому языку/Элис Дейнан; Пер. с англ. С. Г. Томахина. — М.: ООО «Издательство Астрель»:000 «Издательство АСТ», 2003. — 251 с.
2. Metaphorically speaking : a dictionary of 3,800 picturesque idiomatic expressions / N.E. Renton
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.